2017 йил 30 январь, душанба

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 20 (13.353)

Баҳоси эркин нархда

ИСТИҚБОЛЛИ ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИҲАЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 27 январь куни Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг изчил тараққиёти Хоразм вилоятида ҳам улкан ўзгаришларга замин яратди. Шаҳару туманларда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, истиқболли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 22 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида 308 миллион доллардан ортиқ инвестиция ҳисобидан 432 саноат корхонаси ташкил этилди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 11 ноябрь куни Шовот туманида бўлиб ўтган сайловолди учрашувида мамлакатимизнинг барча ҳудуди қатори Хоразм вилояти иқтисодиётини ҳам модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, тиббиёт, туризм, санъат ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришга оид аниқ режаларни баён этган эди.

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига ташрифи ана шу режалар қандай амалга оширилаётгани билан танишиш, ҳудуд тараққиётини янги босқичга кўтариш масалаларига бағишланди.

Президентимизнинг вилоятга ташрифи Хивадаги Ичан-қалъа мажмуасидан бошланди.

Музей-қўриқхона – Ичан-қалъа мажмуаси халқимиз тарихи, маданияти, илм-фани, қадимий меъморлик ва ҳунармандлик анъаналарини мужассам этган. Инсониятнинг бебаҳо бойлиги сифатида ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Музей фондида 38 минг 561 экспонат бор. 2016 йилда Ичан-қалъага 75 мингга яқин киши, жумладан, 84 мамлакатдан 34 минг сайёҳ келган.

Хоразмда бундай тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар жуда кўп. Улар замон талаблари асосида таъмирланиб, сайёҳлар учун зарур шароитлар яратилаётгани натижасида вилоятда туризм изчил ривожланиб бораётир. 2016 йилда хорижлик сайёҳларга кўрсатилган хизматлар экспорти 2013 йилдагига нисбатан 20 фоиз ошган.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси зиёрат қилинди.

Давлатимиз раҳбари Матниёз Девонбеги мадрасасида Хива шаҳрининг тарихий қисмида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари режаси, Исфандиёрхон қабул маросимлари уйи ва Нуриллабой сарой мажмуасини реконструкция қилиш лойиҳалари билан танишди.

Президентимиз Хоразмнинг туризм борасидаги имкониятларини тўлиқ ишга солиш, янги йўналишлар ташкил этиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, меҳмонхоналар ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Зотан, туризм мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, айниқса, янги иш ўринлари яратишда муҳим соҳалардан ҳисобланади.

Урганчдан Хивагача темир йўл ва Хива шаҳрида замонавий вокзал барпо этиш, бу йўлда электропоездлар, келгусида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" тезюрар поезди қатновини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди. Шаҳарнинг туризм жозибадорлигини ошириш мақсадида сайлгоҳ кўчалар ташкил этиш ва кечки сайр имкониятини яратиш, уларда миллий урф-одатларимиз ва кўнгилочар дастурларни намойиш қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан суҳбатда тармоқда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ихтисослашган мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш, сувенир ишлаб чиқарадиган корхоналарни кўпайтириш хусусида сўз борди. Соҳа мутасаддиларига тегишли топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Хоразм Маъмун академиясига ташриф буюрди.

Ушбу академия Биринчи Президентимизнинг 1997 йил 11 ноябрдаги фармонига мувофиқ қайта ташкил этилган. 2006 йили ЮНЕСКО шафелигида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланган.

Бугунги кунда илмий муассасада 41 нафар илмий ходим, жумладан, 7 нафар фан доктори, 19 нафар фан номзоди фаолият юритмокда. Улар Хоразм давлатчилик тарихи, бу заминдан етишиб чиққан олимларнинг жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, Хоразм меъморий ёдгорликларини биологик, физик ва бошқа салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, воҳа шароитига мос қишлоқ хўжалиги ўсимликларини иқлимлаштириш, шўрланиш ва чўлланишнинг олдини олиш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бормокда.

Президентимиз академияда илмий йўналишларни кенгайтириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, уларни амалиётга кенг жорий қилиш, олимларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш зарурлигини таъкидлади. Академия томонидан археология йўналишида эришилган муваффақиятлардан фойдаланиб, бу илмий муассасани сайёҳлик йўналишларига киритиш, халқимиз тарихини чет эллик туристларга тарғиб қилиш масалаларига эътибор қаратилди.

Президентимиз Хива туманидаги "Болтабой оқсоқол" фермер хўжалигида ташкил этиладиган балиқчилик комплекси лойиҳаси билан танишди.

Ҳозир мазкур хўжаликда 232 гектар ҳавзада балиқ етиштирилмокда. Ўтган йили 490 тонна балиқ етказиб берилган.

Фермер хўжалигида Вьетнам технологияси асосида балиқ етиштириш ва уни қайта ишлашни йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу технология увилдириқларни интенсив усулда етиштириш ва ҳавзаларга юқори тиғизликда ўтказишга ихтисослашган. Бундай усул балиқларнинг омухта ем сарфига нисбатан ривожланиш суръати юқорилиги, салбий гидрокимёвий ҳолатлар ва касалликларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Одатда бир гектарлик ҳавзадан ўртача 15-20 центнер балиқ олинади. Вьетнам технологияси самарасида бу кўрсаткич 400 центнергача етади.

Ушбу истиқболли лойиҳага "Ипотека-банк" кредит ажратган. Корхонада йилига 300 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрлаш, 20 иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари "Хива наслли парранда" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилиши режалаштирилган паррандачилик маркази лойиҳаси билан танишди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" маблағлари йўналтирилаётган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 11 миллиард сўмни ташкил этади. Корхонада Италия ва Хитой ускуналари асосида йилига 51 миллион дона тухум, 1 миллион 40 минг дона жўжа етиштириш мўлжалланмокда. Бу ҳар бир хонадонга 100 тадан жўжа тарқатиш, аҳоли фаровонлигини ошириш имконини беради. Корхонада 50 та иш ўрни яратилади.

Халқимиз етти хазинанинг бири деб биладиган паррандачилик ва балиқчилик бўйича ишга солинмаган имкониятлар кўплиги, бу тармоқлар аҳолини гўшт ва тухум билан таъминлаш, оилаларга даромад манбаи яратишда муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Агрофирмалар ташкил этиш орқали бу маҳсулотларни экспорт қилиш ҳам мумкин.

Президентимиз Хива тумани Чодра қишлоғида Хурсанд Мадримов ва Оллаберган Раҳимов хонадонларига кириб, уларнинг турмуш шароити, даромадлари билан қизиқди. Томорқадан самарали фойдаланиш, лимон, ёнғоқ, анор, анжир каби сердаромад экинлар экиш зарурлиги ҳақида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Янгиариқ туманида ташкил этиладиган ип-газлама ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳаси билан танишди. Аввалги "Янгиариқ текстиль" масъулияти чекланган жамияти биносида иш бошлайдиган янги корхонада йилига қарийб 20 миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш, 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 150 иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Шу туманда яна бир истиқболли лойиҳа – замонавий типдаги чорвачилик комплексини ишга тушириш мўлжалланмокда. Халқ банки кредити асосида "Тилло домор" хусусий корхонаси томонидан ташкил этиладиган ушбу мажмуада 2 минг бош қорамол боқиш, йилига 4 минг 100 тонна сут, 200 тонна гўшт тайёрлаш режалаштирилган. Комплексда 90 га яқин иш ўрни яратилади.

"Ўзбекнефтгаз" компанияси томонидан ташкил этилаётган пластмасса заводи лойиҳаси ҳам намойиш этилди. Бу ерда 3,5 минг тонна полиэтилен ва полипропилен гранулаларини қайта ишлаш асосида турли сиғимли сув идишлари, шунингдек, яшик ва қутилар ишлаб чиқариш мўлжалланмокда.

Президентимиз ушбу лойиҳаларнинг рентабеллиги билан қизиқди. Бундай корхоналарни бошқа туманларда ҳам ташкил этиш, одамларни иш билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Хоразмликлар деҳқончилик соҳасида ҳам улкан тажрибага эга. Кескин континентал иқлим, мураккаб тупроқ шароитига қарамай, воҳа миришкорлари қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириб келмокда. Пахта ва ғалладан ташқари гуруч, қовун, узум каби маҳсулотларни экспортга йўналтирмокда. Ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида бу борада кўплаб келишувларга эришилди.

Шавкат Мирзиёев Боғот туманида 200 гектар майдонда токзор ташкил этиш лойиҳаси билан танишди. "Ўзвиносаноатхолдинг" холдинг компанияси тизимидаги "Хоразм узуми тайёрлов савдо" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этиладиган боғда йилига 3 минг тонна узум етиштириш, 210 кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Шунингдек, 200 гектар майдонда гурвак, кичкинтой, гулоби, зар гулоби каби экспортбоп қовун навлари экиш режалаштирилган.

Боғот тумани Миришкор қишлоғидаги хонадонларда иссиқхона ташкил этиб, лимон, ёнғоқ, помидор, бодринг каби харидоргир маҳсулотлар етиштириш борасида олиб борилаётган ишларга ҳам эътибор қаратилди.

Президентимиз Ҳазорасп туманига ташрифи чоғида Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлайдиган Тошсоқа магистрал каналида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди.

Ушбу каналда сув сатҳи пасайиб кетгани сабабли далаларни насос ёрдамида суғориш талаб этиларди. Умумий қиймати 145 миллион доллардан ортиқ бўлган ушбу лойиҳа доирасида Тошсоқа, Шовот, Полвон Ғазовот ва Ғазовот каналларининг 305 километри реконструкция қилиниб, канал туби кўтарилади. 21 янги канал ва 607 гидротехника иншооти қурилади. Бунинг натижасида 280 га яқин насос олиб ташланиб, йилига 14 миллиард сўмдан ортиқ маблағ тежалади.

Пудратчи ва қурувчилар ишини самарали ташкил этиш, қурилиш ва реконструкция ишларини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида соҳалар ва ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар самарасида Хоразм вилоятининг саноат салоҳияти ҳам ошди. Ҳазорасп туманида "Дамас", "Орландо" ва "Лабо" автомобиллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони ушбу ҳудудлардаги ресурслардан самарали фойдаланиш имконини бермокда.

Бугунги кунда "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси учун ер участкаси ажратилиб, уни зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилган. Ҳозиргача ушбу ҳудудда енгил саноат, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш бўйича 50 дан ортиқ лойиҳалар тайёрланган.

Давлатимиз раҳбари ушбу стратегик зона қурилишида сифат ва муддатга эътибор қаратиш, чет элларда унинг имкониятларини тарғиб қилиш орқали хорижий инвестиция ва технологияларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Урганч шаҳрида Хоразм вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, ёш авлодни тарбиялаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давомида бўлиб ўтаётган учрашув ва суҳбатлар Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида аҳоли билан доимий мулоқот олиб боришнинг амалий исботи бўлмокда. Бундай мулоқотлар нафақат Хоразм аҳли, балки бутун халқимиз кўнглини кўтариб, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи давом этмокда.

Анвар САМАДОВ,
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда "Маҳалла – менинг тақдиримда" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!" шиори остида ташкил этилган танловнинг вилоят босқичида 13 жамоа иштирок этди.

● Самарқанд шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташаббуси билан китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга бағишланган маърифий тадбир ўтказилди. Тадбир давомида "Энг яхши китобхон мактаб", "Китобхон оила" сингари йўналишлар бўйича таълим муассасалари, ўқувчилар ва ота-оналар муносиб рағбатлантирилиб, уларга янги китоблар тўпламлари совға қилинди.

● Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусиқали театрида ўзбек кино санъати усталари томонидан яратилган "Устюртга йўл" номли бадиий фильм тақдимоти бўлиб ўтди.

● Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиникада "Соғломлаштириш" маркази иш бошлади. Марказда тиббиёт ходимлари томонидан рационал овқатланиш, турли жисмоний машқлар билан чиниқиш бўйича соғломлаштириш дастурлари ишлаб чиқилиб, даволанувчиларга тарқатилади.

● Наманганда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари масъул ходимлари, прокуратура, ички ишлар, банк, молия, солиқ, божхона идоралари раҳбарларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Японияда Марс сайёрасида тадқиқотлар ўтказувчи космик қурилма устида иш олиб борилмокда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу замонавий аппаратни парвозга тайёрлаш учун мамлакат ҳукумати 2 миллиард иен (17 миллион доллар) маблағ сарфлашни режалаштирмокда. 140 килограммлик ушбу мўъжаз қурилмани 2020 йили Марсга учириш кўзда тутилмокда.

● Франциянинг "Airbus" авиаконцерни ўтган йили 82 нафар буюртмачисига 688 та замонавий ҳаво лайнерларини етказиб бериб, ўз фаолиятидаги рекорд натижага эришди. Яъни, бу 2015 йилда қайд этилган энг яхши кўрсаткичдан 8 фоиз юқоридир.

● Европанинг бир қатор мамлакатлари олимлари узоқ кузатувлар ва тадқиқотлар натижасида инсон умри борасида ниҳоят якдил фикрга келишди. Унга кўра, одамзот қанча хатти-ҳаракат қилсада, ўзи учун хос белгиланган, яъни дастурлаштирилган умр муддатини ўташга маҳкум экан. Деронтолог олимлар бу ҳолатни "кодлаштирилган ҳаёт" деб атамокда. Бу борада Шарқ алломаларининг "кечмишнинг барчаси тақдирдан" нақлига амал қилиниши мақсадга мувофиқлиги ниҳоят ўз тасдиғини топди.

БУЮК ДАВЛАТ АСОСЧИСИ ВА ТИНЧЛИКПАРВАР СИЁСАТЧИ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида амалга оширган эзгу ишлари, ислоҳотларининг қадри йиллар давомида ошиб бораверади. Зеро, бу инсоннинг хотирасини нафақат бугунги, балки келажак авлодлар ҳам мустақиллигимиз меъмори сифатида юксак қадрлайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарори бунинг амалий ифодаси бўлиб, мазкур ҳужжат кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Мамлакатимизда Биринчи Президентимизнинг таваллуд куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмокда. Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу муносабат билан ўтказилган тадбирда халқимиз атоқли фарзандининг давлат ва сиёсат арбоби сифатидаги кенг қамровли фаолияти, амалга оширган ишлари яна бир бор эътироф этилди.

Олий суд раиси Ш.Ғозиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ўзбекистон судьялар ассоциацияси раисининг ўринбосари У.Мингбоев ва бошқалар Ислом Каримов тинчликпарвар сиёсатчи, буюк давлат асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирганини алоҳида таъкидлади. Мустақиллигимизнинг йигирма беш йили давомида халқимиз учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитлар яратилди. Давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, замонавий Ўзбекистоннинг тарихи – бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк Йўлбошчимиз ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи эди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида Биринчи Президентимиз унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратгани ўз самарасини берди. Шу билан бирга, халқ манфаатларига, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият асослари яратилиб, изчил ривожлантириб борилди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судья ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар соҳадаги ишлар самараси ошишига замин яратди.

Энг муҳими, соҳадаги ишлар бугунги кунда изчил давом эттирилиб, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар рўёбга чиқарилаётир. Бу келгусида судлар фаолиятини янада такомиллаштириб, суд-ҳуқуқ тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади ва аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

“Биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови – бу тинчлик ва осойишталикдир”.

ФАРОВОНЛИК ВА ТОТУВЛИК – ХАЛҚИМИЗНИНГ БОЙЛИГИ

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан билдирилган бу фикр бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган. Улуғ Йўлбошчимиз таваллуд топган кун муносабати билан Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз борди.

“Ислом Каримов ва Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати” мавзуида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, олимлар, профессор-ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Қ.Шавазов, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев, Республика Маънавият тарғибот марказининг Мирзо Улуғбек тумани бўлими раҳбари М.Эронов ва бошқалар мамлакатимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни таъминлашда Биринчи Президентимизнинг хизматлари беқиёс эканини таъкидлади.

Давлатимизнинг буюк раҳнамоси ташаббуси билан қабул қилинган “Мудофаа тўғрисида”, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунлар бугунги бахтли ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

– Ислом Каримов нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга алоҳида эътибор қаратган, – дейди юридик фанлари доктори, профессор Бобоқул Тошев. – Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш, Афғонистон муаммосини ҳеч қандай ҳарбий куч ишлатмасдан, сиёсий йўл билан ҳал қилиш, қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси, наркобизнес, экология танглиги, уюшган жиноятчиликни бартараф этишга оид ташаббуслари халқаро майдонда кенг эътироф этилди.

– Биринчи Президентимизнинг ҳаёти ва фаолияти биз, ёшлар учун ҳақиқий ўрнак ва ибрат мактабидир, – дейди ЎзА мухбирига институт талабаси Йўлдош Алимбоев. – Ушбу тадбирда иштирок этиб, буни яна бир бор чуқур ҳис қилдик. Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг бугунги тинч, фаровон ҳаёти ўз-ўзидан қўлга киритилмаганини яна бир карра англадик. Биз бугун мамлакатимиз келажагини ўз ақлу заковатимиз, ўз азму шижоатимиз билан қурмоқдамиз, эзгу мақсад ва улкан режаларни собитқадамлик билан амалга оширмоқдамиз. Буюк Йўлбошчимизнинг “Бизга тинчлик керак, омонлик керак”, деган эзгу даъвати бу борада барчамизга муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Тадбирда “Мустақиллик арафасида ёхуд шўроларнинг сўнгги талвасаси” ҳужжатли фильми намойиш этилди. Ёшларнинг мавзуга оид саволларига жавоб қайтарилди.

Д.КАРИМОВ

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Каримов таваллуди кунига бағишланган тадбирлар, маънавий-маърифий кечалар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

ХОТИРАСИ ҚАЛБИМИЗДА ҲАМИША МУҲРЛАНАДИ

Тошкент халқаро Вестминстер университети ҳузуридаги академик лицейда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши томонидан “Ислом Каримов – мустақил Ўзбекистон асосчиси” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда партия марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, “Ёшлар қаноти” ва “Аёллар қаноти” етакчилари, жамоатчилик вакиллари, ўқувчи-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отамуродов ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқ ва марраларнинг асоси, энг катта бойлигимиз – юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашдек буюк ишлар Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлади.

– Биринчи Президентимизнинг “Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!” деган сўзлари доимо қулоғимда жаранглайди, – дейди лицей ўқувчиси Шаҳзод Ҳамроев. – Биринчи Президентимиз Ватан, халқ тақдири, унинг порлоқ келажаги йўлида тинимсиз ғамхўрлик кўрсатган, ўз ҳаётини шундай олижаноб мақсадлар йўлида фидо этган, қатъиятли, жасоратли инсон сифатида қалбимизда ҳамиша муҳрланиб қолади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг асосий дастурий мақсад-вазифалари бўлган миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш масаласи, “Юксак маънавият – енгилмас куч” ғоясини амалга ошириш вазифаси бевосита Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалишдир” тамойили асосида яратилгандир.

Тадбирда “Истиқлол меъмори” номли видеоролик ҳамда “Ким эдигу ким бўлдик” видеофильмидан лавҳалар намойиш этилди.

(ЎзА)

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ САРИ

Тошкентда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ташқи ишлар ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбар ва вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Жавлон Ваҳобов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада кўтаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси мамлакатимизда барча соҳаларни либераллаштириш ва модернизациялаш, амалга оширилаётганислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш каби кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга изчил татбиқ этишни кўзда тутади. Унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада ошириш, хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни кучайтириш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни юритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимизда миллатлараро бағрикенглик, аҳиллик муҳити қарор топганини алоҳида таъкидлади. Амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида миллий иқтисодиётимиз жадал ривожланаётгани, барча соҳаларда йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик, ҳаётга татбиқ этилаётган қўшма лойиҳалар ўзининг юксак самараларини бераётгани қайд этилди.

– Тадбир халқаро ташкилот, дипломатик миссия ва ваколатхоналар раҳбарлари, қўшма корхоналар вакиллари билан журналистларнинг юзма-юз мулоқоти учун қулай имконият яратди, – деди ЎзА мухбирига Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Винод Кумар. – Мамлакатингизнинг келгусидаги беш асосий стратегияси билан танишдик. Мазкур устувор йўналишлар Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлишига ишонамиз.

Халқаро давра суҳбатида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга оид мавзуларда маърузалар тингланди, бу борада халқаро тажриба ҳақида фикр алмашилди.

Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси чуқур муҳокама этилиб, таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Севара АЛИЖОНОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қуйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қўмита раиси А.Шодмонов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Тадбир қатнашчиларининг эътибори миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришга доир чора-тадбирлар муҳокамасига қаратилди. Мазкур йўналишда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган таркибий ислоҳотларни давом эттириш, ҳудудларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туризм соҳасини тараққий эттириш борасида қатор таклифлар илгари сурилган.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик шаклларини ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсқинликлар ва чекланишларни бартараф этиш соҳани барқарор тараққий эттиришнинг муҳим шартига айланди.

– Коллеж ва олий ўқув юртлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилгани натижасида ишбилармонлар қаторида ёшлар сони тобора ортиб бормоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бошқарма бошлиғи Д.Абдуазизов. – Мазкур тадбиркорлар тоифасининг билим ва малакасини янада ошириш эса корхоналарнинг барқарор фаолият кўрсатишида муҳим ўрин тутади.

Давра суҳбатида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси юзасидан таклифлар билдирилди.

Б.БОЗОРОВ

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ва глобал интернет тармоғида фаолият кўрсатаётган миллий веб-ресурслар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш” мавзуида тадбир ташкил этилди.

Турли вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматлари ходимлари иштирокида ўтказилган йиғилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ҳамда юртимизда фаолият юритаётган миллий веб-порталлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари, соҳага оид янгиликлар, мавжуд долзарб масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар мамлакатимизда барча турдаги медиа тузилмалар сингари интернет нашрларни равнақ топтириш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз интернет тармоғида фаолият кўрсатаётган веб-сайтларнинг аксарияти ахборотни шакллантириш ва тарқатиш характеридаги медиа тузилмалардир. “Uz” доменида 30 мингга яқин веб-сайт бўлиб, уларнинг 395 таси интернет оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бутунжаҳон глобал тармоғидан фойдаланувчилар сони йил сайин ортиб бораётган бир пайтда веб-сайтлар фаолиятини давр руҳига ҳамоҳанг такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни нормаларининг амалиётга татбиқ этилаётгани аҳоли, медиа тузилмалар, жамоат ташкилотларининг давлат органлари ахборот манбаларидан кенг фойдаланиши имконини яратди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш, фуқароларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишни талаб этмоқда.

Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ахборот хизматлари ишини такомиллаштириш, улардаги ходимларнинг касбий салоҳиятини юксалтириш юзасидан туркум ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказилмоқда. Жамоат фонди муассислигида ташкил этилган “telegraf.uz” ахборот-таҳлилий порталида мамлакатимиз ҳаётига оид таҳлилий мақолалар жойлаштирилмоқда. Мазкур портал ёрдамида жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари матбуот хизматлари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш учун “Очиқ мулоқот” рукни ташкил этилган.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари салоҳиятини янада юксалтириш, бунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернетнинг кенг имкониятларидан унумли фойдаланиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ҚУДРАТИМИЗ АҲИЛЛИКДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги “Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир” номли нутқининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини атрофлича ўрганиш, вазифаларни белгилаб олиш мақсадида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди, дея хабар беради ЎзА.

Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев ва бошқалар мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва аҳиллик – халқимизнинг катта бойлиги, барқарор ҳаётимиз асоси эканлигини таъкидлади.

Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари аҳил, иноқ ва тотув яшаб келмоқда. Диёримизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланаётир.

Тадбирда ана шулар хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Президентимизнинг ҳар бир чиқиши, учрашувлар, халқ билан мулоқоти давомида билдираётган таклиф-мулоҳаза ва кўрсатмалари юртдошларимизни айниқса, ижодкорларни илҳомлантираётгани қайд этилди.

Нуронийларга кўрсатилаётган юксак эътибор, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш, жаҳон адабиётининг нодир дурдоналари аҳолимиз томонидан кенг ўрганилишида маданият ва санъат вакилларининг роли ҳақида фикрлашилди.

Жорий йилда қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олиниб, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакилларининг ўзига хос маданияти, анъана ва урф-одатларини акс эттирувчи асарларни намойиш этиш, ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этиш режалаштирилди.

Тадбирда турли миллат вакилларининг ҳунармандлик намуналари, тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

М.ҚОСИМОВА

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ ЯНАДА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да жамоат ташкилотларининг ролини ошириш” мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Тадбир Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ташкил этилиб, унда жорий йилнинг 19-21 январь кунлари Самарқанд вилоятида ташкил этилган амалий семинар якуни ҳамда бу борада келгусида олиб бориладиган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Анжуманда Президентимиз ташаббуси билан бугун жамиятимиз ҳаётида шиддат билан юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар замирида инсон манфаатлари ва унинг қадр-қиммати тургани, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади аҳоли турмуши сифати ва даражасини оширишга қаратилганлиги билан янада аҳамиятли эканлиги қайд этилди.

Тадбирда журналистлар эътиборига оилалар билан очиқ мулоқотлар ўтказиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида мутасадди ташкилотларни жалб этган ҳолда чора-тадбирлар белгилаш, улар ижроси бўйича жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш механизмлари ҳамда мазкур тизимни республика миқёсида оммалаштиришга оид таҳлилий маълумотлар Самарқанд вилоятида ўтказилган 3 кунлик амалий семинар тажрибаси мисолида ҳавола этилди. Амалий семинар ишида тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Фахрийларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати каби қатор жамоат ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбар ва мутасаддилари иштирок этдилар.

– Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан дастлабки тажриба сифатида Самарқанд вилоятида бошланган ушбу лойиҳанинг мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммалаштирилиши, бунда асосий талаб – ҳар бир хонадонга кириб бориб, муаммолар мавжуд оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш эканлигини алоҳида таъкидламоқчи эдим, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов. – Хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати каби жамоат ташкилотлари мутасаддиларидан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳлари Самарқанд шаҳридаги Фарҳод шаҳарчаси, шунингдек, Сартепа мавзеси, Каттақўрғон туманидаги “Мўминхўжа” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 1200 га яқин хонадонларда бўлиб, очиқ ва самимий мулоқотлар ўтказдилар. Аҳоли билан мулоқотлар жараёнида мазкур ҳудудларда бандликни таъминлаш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига етарли даражада тўлов терминалларини ўрнатиш, имтиёзли банк кредитларини ажратиш, ҳудудни ёритиш, ичимлик суви таъминотини ва транспорт қатновини яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш, коммунал ва маиший хизмат соҳаларига тааллуқли камчилик ва муаммолар борлиги аниқланди. Ўрганишлар якунига кўра Касаба уюшмалари ва ҳамкор жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат Ишчи гуруҳлари ушбу муаммолар тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни ҳудудлардаги мутасаддилар эътиборига ҳавола этиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ муддатли чора-тадбирлар белгиланиши ва ижрога йўналтирилишига эришдилар.

Матбуот анжуманида шунингдек, ишчи гуруҳлари аҳоли билан мулоқотлар давомида аниқланган муаммоларнинг аксарияти маҳаллий даражада ҳал этилиши мумкин бўлган ва оддийгина эътиборсизлик оқибатида келиб чиққанлиги қайд этилди. Жумладан, ҳудудларда китоб дўконлари, савдо шохобчаларининг етишмаслиги, аҳолининг банк томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматлардан хабарсизлиги каби муаммоларга ҳам дуч келингани, оилаларда мавжуд қатор муаммолар мулоқотлар давомидаёқ мутасадди ташкилотлар вакиллари эътиборига ҳавола қилиниб, ижобий ҳал этилгани таъкидланди.

Тадбир ташкилотчилари амалий семинарда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини таъминлаш борасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида оддий одамлар, оилалар билан очиқ ва самимий мулоқотлар ўтказиш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ва улар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимини йўлга қўйиш масаласига қаратилганини эътироф этдилар.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ўртасида мазкур йўналишда ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Матбуот анжумани якунида журналистлар мавзу бўйича ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

Кўргазма

ҲАЁТ ВА ҲАҚИҚАТ МАНЗАРАСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида рангтасвирчи рассом Муҳаммаджон Тожимирзаевнинг шахсий кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар таниқли мусаввир Муҳаммаджон Тожимирзаевнинг ўзига хос ижод йўли, дунёқараши, фалсафий олами у яратган тасвирларда моҳирона экс этгани ҳақида сўз юритди.

М.Тожимирзаев 1962 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Унинг ижод намуналари Брюссель, Москва, Рига ва бошқа шаҳарларда ўтказилган кўргазмаларда намойиш этилган. У рангтасвир сирларини Р.Аҳмедов, И.Валихўжаев, В.Жмакин, В.Бурмакин каби устозларидан ўрганган. М.Тожимирзаевнинг ижодида ҳаёт ва ҳақиқат манзарасига кенг ўрин берилган. Бу чизмалар шунчаки ранглар билан эмас, фалсафий мушоҳада йўғрилган шакл ва чизиқлар билан ифода этилади.

– Муҳаммаджон Тожимирзаев ўзининг йўналишини топган мусаввир, – дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Раҳимжон Низомуҳаммедов. – У устозларидан кўп ўрганди. Аммо уларга тақлид қилмай, ижод йўлини топгани жуда қувонарли. Эътибор бериб кузатсангиз, рассом ижодида тасвирлар очиқ ва аниқ ҳолатда кўринмайди. Улар уч-тўрт ранглар уйғунлиги, қоришмасига ўхшайди. Бундай яширин тасвир мухлисни ҳар доим фикрлашга, улардан янги-янги маънолар излашга ундайди. Бу эса ижодкорнинг катта ютуғидир.

Кўргазмада муаллифнинг саксондан ортиқ ижод намунаси намойиш этилмоқда.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎзА мухбири

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламининг кенгайиши божхона назорати ва расмийлаштирувини янада такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун имтиёзлар ва қулайликлар яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари

ЭЛЕКТРОН ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2013 йил 1 январдан бошлаб товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби амалиётга жорий қилинган.

Унга биноан Давлат божхона қўмитаси томонидан бериладиган малака аттестатига эга божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар қўмитанинг www.bojxona.uz веб-сайтидаги ҳаволадан “Электрон декларациялаш” ахборот тизимига электрон рақамли имзо орқали кириб, божхона юк декларацияларини бевосита ўз идораларидан чиқмасдан туриб, божхона органларига тақдим этиб келмоқда.

Ўтган йиллар давомида мазкур амалиёт ўзини тўла оқлаб, биргина 2016 йилда божхона органларига тақдим этилган 392 мингдан ортиқ божхона юк декларацияларининг деярли барчаси электрон кўринишда келиб тушган.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига янада қулайлик яратиш мақсадида эндиликда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам “Божхона органларига электрон божхона юк декларацияларини тақдим қилиш” хизмати жорий қилинди.

Портал орқали ариза шакли тўлдирилади. Унга “е-БЮД” дастури орқали аввалдан тайёрланган божхона юк декларациясининг электрон шакли илова қилинган ҳолда юборилади. Илова қилинган декларация Давлат божхона қўмитаси томонидан берилган электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши шарт. Фойдаланувчилар “е-БЮД” дастурини қўмита веб-сайтидан бепул кўчириб олиши мумкин.

Божхона органларига электрон божхона юк декларацияларини тақдим қилиш хизмати 5 босқичдан иборат. Жараён муваффақиятли якунланганда мутахассисга божхона юк декларациясининг рўйхатдан ўтган рақами ҳамда мазкур декларациянинг QR код билан ҳимояланган pdf форматдаги шакли тақдим этилади.

Мазкур хизмат ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона органлари томонидан кўрсатилаётган электрон хизматларни ягона манзилдан туриб тақдим этиш имконини бермоқда.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Ҳозирги глобаллашув жараёнида диний бағрикенглик, динлараро тотувлик, ўзаро ҳамкорлик масаласи ривожланган ва ривожланиб бораётган мамлакатларнинг тинчлиги ва тараққиёти учун энг муҳим тамойиллардан бири ҳисобланади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, қадим-қадимдан юртимизни турли маданият, тил, урф-одатлар, ўз турмуш тарзига эга бўлган турли динларга эътиқод қилувчи ва бир-бирига ўхшаш бўлмаган халқлар, миллатлар яшаб келаётган заминдир десам, муболаға бўлмайди.

БАҒРИКЕНГЛИК – ОСОЙИШТАЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг бу хусусида қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. “Бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. Асрлар давомида халқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар такомилига улкан ҳисса қўшган. Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжиҳат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам”.

